

Ҳазрат
Бобойи Самосий
мақбараси



Ҳазрат
Мир Кулол
мақбараси



*Илм йўлига кирган, эй толиб,
гар дуч келса, ҳатто олов дарёсин кечиб ўт.*

Саййид Мир Кулол

Садриддин Салим Бухорий

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД
ЁКИ
ЕТТИ ПИР**

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

ЕТТИ ПИР

Абдуллоҳиқ Гиждувоний,
Хожа Ориф ар-Ревгарий,
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий,
Хожа Али Рометанпий,
Муҳаммад Бобойи Самосий,
Саййид Мир Кулол,
Баҳоуддин Нақшбанд.

Бухорий. Садриддин Салим.

Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. — Т.: Ёзувчи,
1993. — 16 б.

Баҳоуддин Нақшбанд или семь святых.

ББК 86.38

Эшитганмисиз, бутун шарқ дунёсида бешта, атиги бештагина шариф шаҳар бор. Шундан бири ўзимизнинг Бухоромиздир.

Хурматли китобхон, қадим Бухоронинг бу қадар суюқлигию бу қадар буюқлиги бонисини биласими?.. Марҳамат, зукко шоир, заковатли олим Садриддин Салим Бухорийнинг камтарлик билан, миннатдорлик билан ёзган ушбу рисоласини ўқинг, билмаганларингизни билиб, кўнглингизда ифтихор туйғулари янаям мавж уради.

Ушбу рисола «Турондо» кичик корхонаси буюртмасига мувофиқ чоп этилди.

С 4702620200—28 қатъий буюртма — 93
М 362 (04) — 93

ISBN 5-8255-0009-X

© Садриддин Салим Бухорий, «Ёзувчи» нашриёти, 1993 й.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Бутун дунёда жўнайди, қодирия, нақшбандия, кубравия, чиштия, суҳравардия тариқати маълум ва машҳурдир. Тариқат деган сўз аслида тўғри йўл, рост йўл деган маъноларни англатиб келади. Тариқат аҳли сўфийлардир. Шариат — қонун, тариқат — йўл. Бу йўл кишини Ҳаққа яқинлаштиради. Машойихлар Ҳаққа етмоқ учун шариат биринчи, тариқат иккинчи, ҳақиқат эса учинчи зинадир, деганлар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шариат, тариқат, ҳақиқатни бир-бирига қарши, деб талқин этмоқ нотўғридир. Бу ақида баъзи бир Ғарб исломшуносларининг фикри бўлиб, улар, тариқатни шариатга зид ёхуд тариқат шариатдан кўра илгорроқ, деб тушунтирадилар. Бундай талқин мутлақо нотўғри. Зеро, Шайх Воиз Кошифий, шариат, тариқат, ҳақиқат бир бутун, бир-бири билан узвий боғлиқ, деб таъкидлаган. Тариқати нақшбандия пирларидан бири бўлган Ҳазрат Мир Кулол эса тариқат шариатнинг нигоҳдошти, яъни муҳофаза этувчисидир, деганлар.

Турон заминда нақшбандия ва қодирия сулуқлари кенг тарқалган. Қодирия сулуқининг асосчиси Саййид Абдулқодир Гилоний бўлиб, 1079 йил Эроннинг Гилон вилоятида туғилганлар. Бу зоти шариф Ғавсул Аъзам (улуғ мададкор), Шайхи машриқ, Қутби Аъзам, Авлиёлар Султони номи билан бутун дунёга машҳур. Саййид Абдулқодирнинг насл-насаблари ўн авлод билан Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотимаи Зухро ва у кишининг ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусанга бориб уланади. Шайх Абдулқодир Гилоний 1166 йилда вафот қилганлар.

Саййид Абдулқодир Гилоний ҳақларида «Баҳжатул асрор», «Маноқиб-и Қодирия», «Тухфатул Қодирия», «Рисолаи Қодирия», Имом Мустаффарийнинг «Далойил ул нубувва», А. Жомийнинг «Нафоҳат ул унс», Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Авлиёлар султони» асарларида маълумот бор.

Икромиддин Остонакул ўғлининг ёзишича, Ғавсул Аъзамдан қирқ икки фарзанд қолган. Айни шу кунларда Марғилон шаҳрида Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу авлод вакили яшамокда. (Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, «Ғавсул Аъзам», Тошкент — «Нур» — 1992 йил, 6-бет)

Хўш, нақшбандия тариқатининг асосчиси ким? Бу тариқатдагилар нимани талқин қилиб, неларга қарши курашганлар? Нима учун XX асрнинг охирига келиб Ҳиндистону Покистон, Туркияю Афғонистон, қолаверса Ғарбда ҳам нақшбандия илдиз отиб бормокда, унга бўлган қизиқиш кундан кунга ортмоқда?

Нақшбандия тариқати Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимотга асосан шаклланган. Тариқат пирларининг асосий мақсади — пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини қайта тирилтириш. Иккинчи вазифалари эса бидъат ва хурофотга қарши курашиш. Зеро, пайғамбар алайҳиссалом: «Бидъат ва хурофотга берилганлар энг ёмон кишилардир, бидъат-хурофотга берилган одам то уни тарк этмагунча унинг қилган савоб ишларини Тангри қабул қилмайди», деганлар.

Тариқатга кирган шахс ўз қалбини покламоғи зарур. «Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар уни билмайди. Кимки шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок тутган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши мумкин. Агар чўпон қўйларини заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билгинки, ҳар бир подшоҳнинг қўриқхона каби таъқиқлаб қўйган нарсалари бўлганидек, Тангрининг ҳам таъқиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасадида бир гўшт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у юракдир», деб таъкидлаганлар пайғамбар алайҳиссалом. Дарҳақиқат, қалб Аллоҳнинг назаргоҳидир. Аллоҳ назаргоҳи ҳисобланган қалбни покизалаш — нақшбандия таълимотининг асл муддаосидир. «Нақшбанд бар дил банд», яъни, Аллоҳ номини қалбингда нақш айла, дейилади таълимотда. Шунинг учун бу таълимот Муҳаммад алайҳиссаломдан Абу Бакр Сиддиққа, у кинидан Салмони Форсийга ўтган. Пирлар тартиби Салмони Форсийдан кейин қуйидагичадир: Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад, Ҳазрат Жаъфари Содиқ, Ҳазрат Боязид Бастомий, Ҳазрат Абдулҳасан Ҳарақоний, Ҳазрат Абу Али ал-Фармадий, Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний, Ҳазрат Абдулҳолиқ

Ғиждувоний, Ҳазрат Ориф ар-Ревгарий, Ҳазрат Маҳмуд Анжир ал-Ғағнавий, Ҳазрат Али ар-Рометаний, Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Мир Кулол, Ҳазрат Шохи Нақшбанд Баҳоуддин Увайсий ал-Бухорий, Ҳазрат Алоуддин Аттор, Ҳазрат Яъқуб Чархий, Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид, Ҳазрат Муҳаммад Дарвиш, Ҳазрат Хожаги ал-Имғанакий, Ҳазрат Муҳаммад Боқий, Ҳазрат Имом Раббоний Мужоаддин алфи соний Аҳмад Фаруҳ ас-Сарҳиндий, Ҳазрат Муҳаммад Маъсум, Ҳазрат Шайх Сайфуддин, Ҳазрат Саййид Нури Муҳаммад ал-Бадвоний, Ҳазрат Шамсуддин Жони Жонон Мазҳар, Ҳазрат Абдулла ад-Дехлавий, Ҳазрат Мавлопо Зиёуддин Холид ал-Бағдодий, Ҳазрат Аҳмад ибн Сулаймон Холид Ҳасан ас-Сомий, Ҳазрат Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушҳанавий, Ҳазрат Ҳасан Хилмий, ас-Настамоний, Ҳазрат Исмоил Нажотий ас-Сағфранболий, Ҳазрат Умар Зиёуддин ад-Догистоний, Ҳазрат Мустафо Файзий ибн Амрулло ат-Такфурдагоний, Ҳазрат Ҳасиб ас-Шерозий, Ҳазрат Абдулазиз ал-Косоний, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсоний.

Бу силсилаи шарифдаги бир неча пирлар Увайсий ҳисобланади. Жумладан Боязид Бастомий, Абдулҳасан Ҳарақоний, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд увайсидирлар. Кимники ўтганларнинг руҳи тарбият қилса, ундай шахс увайсий бўлар экан.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳлари Увайс Қаранийни тарбия қилган. Фаридиддин Аттор «Тазкиратул авлиё» китобларида ёзадиларки, пайғамбар алайҳиссаломдан: «Бандаларнинг энг яхшиси кимдур?», деб сўрадилар. Расулуллоҳ: «Увайс Қаранийдур, Аллоҳ уни раҳнат қилсун!», дедилар. Яна Ҳақ Таоло ўз Расули орқали: «...Художўйлар увайс (яширин)дурлар, Аллоҳ Таоло олдида азиз кишилар ўзларини кўпчиликка ошкора қилмайдилар», деб хабар берибдур.

Нақлдурки, Расул алайҳиссаломдан қазолари яқинлашганда. «Хирқа-мураққа либосларингизни кимга берурсиз?» деб сўраганларида, ул зот марҳамат қилиб: «Увайс Қаранийга», деб жавоб берибдурлар. Увайс Қараний Ямандандур («Сирли олам», 4-сон 1993 йил).

Пайғамбар алайҳиссалом: «Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», деганлар. Тариқат пирлари ҳам пайғамбарона ахлоқ эгаси бўлиш учун, шунингдек Расули Акрам ахлоқларини оммага ўргатиш учун ҳаракат қилганлар.

Ҳусан Вонз Кошифий «Футувватномаи султония»да

ёзидиларки, тасаввуф тариқат мақомотларидан биридир. Ва бу номнинг келиб чиқиши ҳақида олимлар орасида ихтилоф бор. «Унсул суфий» китобида ёзилганича, биринчи бўлиб «сўфий» деган номни олган одам Одам Ато фарзандларидан бири — Шиш эди...

Агар ўзларига тасаввуф номини олган мазкур тоифа неча гуруҳга бўлинади, деб сўрасалар, уч гуруҳга деб айт: биринчиси — мустасуф. У қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган ва мансаб — жоҳга восита бўлган мол-дунё учун ўзини дарвишларга ўхшатиб юрадиган кишидир ва унинг ҳеч бир мартабаси йўқ. Иккинчиси — мутасуф. Бу мақсаднинг илк манзилига етган одамдир. Учинчиси — сўфий. У ўзидан фаний бўлиб, ҳаққа боқий бўлган, яъни ўзидан кечиб, ҳаққа етган одамдир... Сўфийлар уч даража — гуруҳга бўлинадилар, яъни муоширлар (сухбатдошлар, шериклар), мутарасмлар, муҳаққиқлар. Муоширлар тасаввуф аҳлининг мухлислари ва дўстларидирлар. Улар шу мухлисликдан савоб умидворидирлар. Аммо мутарасмлар дарвишларнинг расму одати, суратларига эргашидилар. ва зоҳирда дарвишларнинг сўзлари, аҳволига тақлид қиладилар. Уларнинг шиори: агар яхши бўлсак, бизни дарвишлар қаторига қўшсинлар ва агар ёмон бўлсак, дарвишларга бизни бағишласинлар (яъни дарвишлар туфайли мағфират нурини насиб этсин). Бу гуруҳнинг дарвишлар фойдаси таъсирида насиба топини эҳтимолдан холи эмас. Аммо, муҳаққиқлар суф (жун) кийим кийиб юрувчи шундай жамоаки, доим сафога интиладилар, нафсини жабру жафо исканжасига олиб, дунё моллар тарк этадилар ва эзгулик йўлида сулук билан шугулланидилар...» («Шарқ юлдузи», 1-сон 1993 йил, Н. Комилов таржимаси).

Тариқат пирлари ҳозирги тил билан айтганда фидоий муаллимлар бўлиб, бир неча авлоднинг аср-асрлардан бери тарбиялаб келмоқдалар. Шу сабаб XX аср охирида ҳам яна инсоният тариқатга эҳтиёж сезиб, улуғ устодлар меросини ўрганиб, улар одобини айтган гаини, қилган ишини ўзлаштириб олмоқ учун саъй-ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, «Силсилаи шариф»даги саккизта пир Бухорийи шарифлик ҳисобланадилар. Ва улардан еттита-сининг қабри Бухорода зиёратгоҳдир. Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчи ва етук халифалари Хожа Алоуддин Аттор (Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий) бўлганлар. Хожа Алоуддин Аттор 1400 йил вофот қилган, у кишининг қабрлари Бухорода эмас, балки Ҳисори Шодмон (Душанбе) вилояти, Чаганиён тумани, Деҳинав қиш-

логидадир. Шу сабаб биз нақшбандия тариқативинг ЕТТИ ПИРИ ҳисобланмиш «Силсилаи шариф»даги ЕТТИ улуг Бухорийлар ҳақида мухтасар маълумот бермоқни мақсад этдик. Бутун дунёдан келаётган зиёратчилар учун бу рисоланинг фойдаси тегса, иншооллоҳ, савобдан умидвормиз.

* * *

ҲАЗРАТ АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ қуддиса сирриҳу — Хожаи Жаҳон, Хожа Абдулхолиқ номи билан бутун дунёга машҳур Хожа Абдулхолиқ 1103 йил Ғиждувонда тугилиб, 1179 йил марҳум бўлганлар. Қабрлари Ғиждувон шаҳрида зиёратгоҳ ҳисобланади. Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний мазорлари оналарининг оёқлари томонида. Қадимда бу зиёратгоҳ ёнида чиллахона, шунингдек қирқ знали нарвон ҳам бўлган. Ҳозир чиллахона, нарвон йўқ, лекин тошқудуқ — бор.

Нарвон билан боглик ривоят халқ орасида машҳур. Нақл қилинишича, узоқ юртдан ҳажини ният қилиб йўлга чиққан бир гуруҳ дарвишлар ўз шайхлари ҳамроҳлигида Ғиждувонга келиб, Ҳазрат Абдулхолиққа меҳмон бўлибдилар. Ҳазратнинг кичкина хужраларига ҳамма сугибди, дўшпадайгина қозондаги овқат барчага етиб отрибди. Ҳазрат Абдулхолиқ сухбатлари дарвишларга манзур бўлиб, улар ҳатто сафарни ҳам унутишибди. Шунда шайхларини сафарни эслатганда. Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний: «Қаъбага бораман деб риязат чекманг. Марҳабо, мана бу зинага кўтарилинг! Қаъбатуллони кўрасиз ва шу ернинг ўзидан уни зиёрат этгайсиз», дебдилар. Дарвишлар қирқ знали нарвонга чиқиб, Қаъбатуллони кўрибдилар. Шайх: «Бизда ҳам каромат бор!», деб Ғиждувон Қалъасини устига чиқиб, чуқ дейишлари билан Қалъа бутун Ғиждувонни ҳаракатга келтириб, судрай бошлабди. Шайх: «Мен сизларни бутун шаҳрингиз билан бирга Қаъбатуллога элтаман!», дебди. Шунда Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз муридларидан бирига қараб: «Қалъага лангар отинг!», деб буюрибдилар. Лангар отилгандан сўнг, Қалъа узилиб, шаҳар тақа-тақ тўхтаб қолибди. Ҳозир шу лангар отилган жой Узилди қишлоғи деб аталади. Лангар отган мурид эса Хожа Лангар Ато номи билан кейин машҳур бўлган. Хожа Лангар Ато қабрлари ҳам зиёратгоҳдир.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Имом Садриддин, Ҳазрат Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Ниёз Хоразмий (бу киши Бобойи Лақлақаги деб ҳам аталган) лар-

дан таълим олган. Хожа Абдулхолиққа Ҳазрат Хиёр зикри хуфий таълимини ўргатганлар. Абдулхолиқ Гиждувоний «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шайхушшуюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» номли китоблар муаллифидирлар.

Хожа Абдулхолиқнинг мақбаралари ёнида Мирзо Улуғбек мадраса (1432—33 йил) қурдирган. Бу ерда масжиди жомеъ ҳам бор.

Хожанинг оталари Имом Абдулжамил асли румлик. Имом Абдулжамил Имом Молик (713—795) авлодидан, Абдулхолиқнинг оналари эса подшоҳ авлодедандирлар.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг Хожас Аҳмад Садоқий (Хожа Аҳмад Сиддиқ деб ҳам тилга олинлар), Хожа Авлиёи Калон (Авлиёи Кабир деб ҳам атайдилар), Хожа Сулаймон Карманий, Хожа Ориф Ревгарий исмли халифалари бўлган.

Хожа Абдулхолиқнинг руҳлари Ҳазрат Боҳоуддинни тарбият қилган.

* * *

ХОЖА ОРИФ РЕВГАРИЙ қуддиса сирруҳу — Хожа Ориф Моҳитобон номи билан ҳам аталадилар. Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳатул унс»ларида ёзилишича, Хожа Ориф Ревгар қишлоғида туғилганлар. Бу манзил Бухородан 36—38 чақирим масофада жойлашган. Ревгар қишлоғини ҳозир Ревгарий деб атайдилар. Бу манзил Шофиркон шаҳридадир.

Нақл қилинишича, Хожа Ориф ўрта бўйли, ой юзли, катта кўзли, қошлари камон, бутун баданларидан мушқу анбар ҳиди анқиб турадиган зот бўлган эканлар.

Хожа Ориф Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тўртинчи халифалари ҳисобланадилар. Бул зот «Силсилаи Шариф»да ўн биринчи ҳалқанинг пири сифатида зикр қилинган.

Абдулхолиқ Гиждувоний билан Хожа Ориф учрашиб, суҳбатлашадиган қишлоқ Рўйбинон деб номланган. Бу қишлоқ Гиждувон билан Шофиркон орасидадир. Рўйбинон юз кўришини, дийдорлашмоқ маъноларини англатади.

Қуйидаги байт Хожа Ориф мазорларидаги тошга битилган:

Ориф он Орифи раббоний,
Муттасил шуд ба васли субҳоний,
Хожаи аҳли дин бигўй солаш,
Низ Орифи амини раббоний

Мазмуни: Ориф ул Орифи раббонийдур, Аллоҳ васлига етишди. Унинг (ўлими) тарихи «Хожаи аҳли дин»дан, ёки «Ориф амини раббоний»дан чиқади.

«Хожаи аҳли дин» ва «Орифи Раббоний»да абжад ҳисобида Хожа Ориф марҳум бўлган йил ҳисоби яширилган.

Хожа Ориф ар-Ревгарий мазори атрофи айвон билан ўралган, тошқудуқ бор. Катта масжид қурилмоқда.

Хожа Ориф юз йилдан зиёд умр кўриб, 1259 йилда вафот этган. Хожа Ориф мазори Шофиркон шаҳри ичида бўлиб, обод зиёратгоҳдир.

* * *

ХОЖА МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ қуддиса сирриҳу — Вобкент туманига қарашли Анжир Фағнав қишлоғида (XII—XIII асрлар) туғилиб, шу ерда нашъу намо топган. Мазори Вобкент тумани Анжир Фағнав қишлоғидадир. Ҳозир бу қишлоқни Анжирбоғ қишлоғи деб атайдилар.

Хожа Маҳмуд «Силсилаи шариф»даги ўн иккинчи пири муршид ҳисобланади. Хожа Маҳмуд Хожа Ориф ар-Ревгарийдан таълим олган. Бу зоти шарифнинг мазори айни шу кунларда обод ва табаррук зиёратгоҳга айланган. Мазор ёнида масжид, тошқудуқ бор. Қудуқ суви шифобахш ҳисобланади.

Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг «Рошаҳоту айнул ҳаёт» китобида ёзилишича, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан Мир Кулолгача ўтган нақшбандия тариқати машойихлари хуфийна зикр билан жаҳрия зикрга барабар амал қилишган. Баланд товушда (жаҳрия) зикрда айниқса Саййид Мир Кулол ҳаммадан устун бўлган. Хожа Баҳоуддин эса хуфийна зикрни давом эттирганлар.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Хожа Али Рометаний (Хожаи Азизон) нинг устозидир.

* * *

ХОЖА АЛИ РОМЕТАНИЙ қуддиса сирриҳу — Хожаи Азизон номи билан машҳур. Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Баҳоуддин туғилганда Хожа Али Рометаний ҳали ҳаёт бўлиб, Баҳоуддин уч ёшга кирганда, яъни — 1321 йилда ул зоти шариф вафот этган.

Хожа Али Рометан туманидаги Қўрғон қишлоғида

туғилган. Қабри шу қишлоқда. Ҳозир бу жой Рометан тумани Қўргон жамоа хўжалиги деб аталади.

Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Шохи Нақшбанд» китобида ёзилганки, қуйидаги табаррук жумлалар Хожа Алиникидир: «Агар Абдулхалиқ Ғиждувоний фарзандларидан бири ер юзида бўлганда эди, Мансури Ҳаллож асло дорга осилмас эрди».

Хожа Али деганларки, ер бу тоифа (яъни сўфийлар) кўзида бир дастурхон кабидир, яъни дастурхон устидagi бор нарса, унинг атрофидаги барча воқеа кўзга қандай аён кўринса, улуг шайхлар кўзига бутун ер юзидagi воқеалар аён бўлиб тураркан.

Қуйидаги бат ҳам Хожаи Азизонга нисбат берилади:

Бо ҳар ки вишастаи вашуд жамъ дилат,
В-аз ту нарамид суҳбати обу гилат.
Зияҳор эи суҳбаташ гурӯзон бибош,
Варна накунад руҳи Азизон биҳилат.

Мазмуни: ким билан ўтириб турдингки, кўр, агар юрагинг ундай одамлар суҳбатидан баҳра олмай, хпжил тортса, зияҳор алар билан қайта ҳамсуҳбат бўлма, йўқ-са Азизон руҳи сени кечирмайди.

Хожа Али Рометаний ва у кишининг икки ўғиллари кўмилган мазор устига гумбаз қурилган. Айни шу кунларда бу зиёратгоҳ ободдир. Ва ул зиёратгоҳ Қўргон қалъасининг рўбарўсидадир.

Хожа Алининг «Рисолаи Азизон» асари машҳурдир. «Мақомоти Шохи нақшбанд»да ёзилишича, рамазон ойида бир кун Хожаи Азизонни ўн саккиз жойга ифторга таклиф қилибдилар. Хожа Али ҳаммасига бормоққа ваъда берибдилар ва бир вақтнинг ўзида ўн саккиз жойда бўлиб, ифтор этибдилар.

* * *

ХОЖА МУҲАММАД БОБОЙИ САМОСИЙ қуддиса сирриху — Хожа Али Рометанийнинг асҳобларидан. Бу зоти шариф Рометаннинг Самос (Симос) қишлоғида туғилган. «Силсилаи Шариф»даги ўн тўртинчи пир муршид сифатида бутун дунёга машҳур Бобойи Самосий Саййид Мир Кулолга таълим берган. Хожа Муҳаммад Бобонинг хизматлари, кароматлари ва нек хулқлари ҳақида «Мақомоти Мир Кулол», «Мақомоти Шохи Нақшбанд»да зикр этилган.

Нақл қилинишича, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ўз муридлари Мир Кулол билан Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувондан ўтиб кетаётганда: «Бу тупроқдан бир эр исп келмоқдадир, шу зот барокотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай», дебдилар. Ўша пайтда ҳали Ҳазрат Баҳоуддин туғилмаган, балки оналарининг қорнида экан. Бир неча вақтдан кейин эса: «Ҳалиги эрнинг исп ортиқроқ бўлибди», дейдилар. Дарҳақиқат, Ҳазрат Баҳоуддин туғилган эканлар. Уч кунлик Баҳоуддинни Бобойи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилиб, Мир Кулолга Баҳоуддин тарбияси билан шуғулланишни топширганлар.

«Мақомоти Мир Кулол»да нақл қилинишича, Самос қишлоғида икки гуруҳ орасида низо чиқиб, охирида муштлашибди. Натижада бир кишининг тиши синибди. Жабрланган томон, тишимиз хунбаҳосини ундириб оламиз, деб ҳокимга арз қилмоқчи бўлибди. Шунда орадан бир киши: «Бобойи Самосий ҳазратларига мурожаат этайлик, у киши не десалар шунини қилайлик. Зеро, у кишидан маслаҳат олмай ҳокимга бориш гуноҳ бўлур», дебди. Унинг бу фикри ҳаммага маъқул бўлган экан. Ҳазрат Бобойи Самосий синган тишин олиб Мир Кулолга берибди ва: «Эй фарзанд, сиз шундай бир иш қилингки, орадаги низо йўқолсин», дебди. Мир Кулол жабрдийда отзига тишини ўрнатиб, Аллоҳ Таоллодан мадад, пирлардан истифтихор тилаб, дуо қилди. Тиш асли ҳолидай бўлиб қолибди. Бу ҳолни мушоҳада этиб, икки гуруҳ бир бири билан ярашибди.

Ҳомийнинг «Нафоҳатул унс»ида таъкидланишича, Бобойи Самосий ўз кулоҳини Баҳоуддинга берган. Аллоҳ шу кулоҳ шарофатидан Баҳоуддинга балогардолик кароматини ато қилган экан.

Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий 1354 йил вафот қилган. Муҳаммад Бобойи Самосий қабри Рометан туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Самос қишлоғида. Бу зиёратгоҳ атрофи боғ, масжид, тошқудуқ ва кўркам ҳужралар билан қуршалган.

* * *

САЙЙИД МИР КУЛОЛ қуддиса сирриху — асли исми Саййид Мир Калон бўлиб, Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида туғилган. Бу зот тахминан 1287 (88) йилларда дунёга келган. Кулолчилик билан шуғулланганлиги сабабли Мир Кулол номи билан машҳур бўлган. «Силси-

лаи шариф»даги ўн бешинчи халқа пири муршиди Мир Кулолдир.

Мир Кулолнинг бир юз ўн тўртта халифаси бўлган. Уларнинг энг етуғи Мавлоно Ориф Деҳа-Деггароний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хажан Жамол Деҳан Осиён, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Ёдгор, Хожа Дарзуний, Мавлоно Жамолиддин Кешийлардир.

Мир Кулолнинг Сайид Амир Бурхон, Сайид Амир Ҳамза, Сайид Амир Шоҳ, Сайид Амир Умар исимли фарзандлари бўлган.

«Мақомоти Мир Кулол»да нақл қилинишича, Ҳазрат Мир Кулол мужаррад (бўйдоқлик)лик даврларида Рометан туманидаги боғларнинг бирида ўз тенгқурлари билан иттифоқ бўлиб чопонларини ювибтилар ва биродарларига айтибдики, эй ёронлар, чопонларни пахса девор устига ёймайлик, чунки у ердаги тиканларга озор бери-лур. Зинҳор дарахтлар шоҳига осмайлик, шохлар эгилиб, жабр бўлур. Заминга ҳам ташламайлик, ўт-ўланлар хароб бўлур». Бу гапларни эшитиб, не қиларини биллолмай қолган биродарлар сўрабдики: Амир, сиз чопонингизни қандай қилиб қуритасиз? Ҳазрат Амир: мен ўз чопоним-ни устимга ташлаб, офтобруёга ўтираман ва шундай қилиб қуритаман. Эй ёронлар, агар пахса девордан бир парча узилиб ерга қуласа ё дарахт шоҳи синса, ё чорва ейдиган ўтларга зарар етса, Худованд бу боғга не уэр билдирур? Зинҳор номашруъ (шариатга зид) ишлар, кичик бўлса ҳам қилманг. Чунки, кичик гуноҳ такрор-ланаверса, дўзахга олиб борур. Пайғамбар алайҳиссалом, истиғфор (кечириш сўраш) билан катта гуноҳлар ҳам кечирилади, муттасил қилинаверилса, кичик гуноҳлар ҳам каттага айланади, деганлар.

Ҳазрат Амир буюрибдиларки, то тақво (парҳиз)ни рўзгорингиз шiori этмасангиз, Аллоҳ Таоло сизга тўғри йўл эшигини очмайди.

Ҳазрат Амир Кулол 1372 йилда вафот қилган. Қабри Когон туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ушбу манзил обод зиёратгоҳдир.

* * *

ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД қуддиса сир-риҳу — асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолол-дин бўлиб, Хожан Бузруг (улуг Хожа), Шоҳи Нақшбанд Баҳоуддин номлари билан бутун Ғарбу Шарқда машҳур. Хожа Баҳоуддин Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон-

да туғилган. Кейинчалик бу зоти шариф баракотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланган. Туғилган саналари 1318 йил. Баҳоуддинни болаликда Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий фарзандликка қабул қилган. Тариқат одобини Баҳоуддин Мир Кулолдан олган. Лекин ҳақиқат юзасидан увайсий бўлиб, Хожа Абдулхолик Ғиндувоний руҳлари Ҳазрат Баҳоуддинни тарбият қилган.

Ҳазрат Баҳоуддин Хожа Ориф, Қусам Шайх, Халил Оталардан ҳам таълим олганлар.

«Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Ҳазрат Хизир алайҳиссалом билан бир неча маротаба ҳамсуҳбат бўлган. Нақл қилинишича, Шайх Амир Ҳусайн деди: бир кун Қасри Орифонда Ҳазрат Хожамиз (яъни Баҳоуддин) менга иш буюрдилар. Мен шул юмуш билан банд эдим. Кўрдимки, Ҳазрат Хожамиз бир нуроний азиз билан ҳовуз лабида ўтириб, суҳбат-лашдилар. Ҳазрат Хожамиз ул азизни кузатиб, менга дедиларки: эй Амир Ҳусайн, Хизр алайҳиссаломни кўрдинг. Мен эса: сизнинг хизматингиз билан банд эдим, деб жавоб бердим.

Бир неча купдан кейин Ҳазрат Хожамиз мени Бухоро шаҳрига иш билан юбордилар. Бозорга ўтаётганимда Чорсуда кўрдимки, ул азиз масжидда ўтирибдилар. Ҳазрати Хизрининг ёпларига борай деб икки қадам қўйдим, хотиримга келдики, хожам мени юмуш билан жўнатганлар. Дарҳол қайтдим ва Хожам вазифаларини адо этиб, Қасри Орифонга келдим. Мени кўришлари билан Хожа дедиларки: яна бир қадам Хизрга қараб қўйганимда дину дунёнг барбод бўлар эди.

«Тухфатул ансоб»да Баҳоуддин насаблари ҳақида маълумот берилган: Ҳазрат Баҳоул ҳақ вад-дин Саййид Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад Жалололдин Бухорий ибн Саййид Бурҳониддин ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Абдуллоҳ ибн Саййид Зайнулобидин ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Бурҳон ибн Саййид Маҳмуд Румий ибн Саййид Исҳоқ ибн Саййид Тақи ибн Саййид Маҳмуд Жоме ибн Саййид Али Акбар ибн Ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн Ҳазрат Имом Али Мусо ар Ризо ибн Зайнулобидин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб.

Ҳазрат она томонидан Сиддиқийдурлар, яъни насаб-лари Абу Бакр Сидиққа бориб тақалади.

«Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да қайд қилинганки, Султонул Орифин (яъни Боязид Бастомий) айтибдур-

ларки, бу йўлга кирганлар ҳар қанча юрган билан, аларнинг охирги қадамига бизнинг биринчи қадамимиз етур. Хожамиз (яъни Баҳоуддин) буюрибдиларки, гайрат юзасидан Ҳақ Таоло суҳбати ҳаром бўлсин ул кишигаки, унинг биринчи қадами Боязиднинг охирги қадамига етмаса ва дедиларки, биз интиҳони ибтидода дарж айладик.

Қуйидаги байтлар Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни-кидур:

На маро мафраш, на мафрашкаш,
На гуломону турку туркашкаш.
Ҳама шаб чун сағони қаҳдони
Сар ба дум оварам ба хасми хуш.

Мазмуни: на менда палос бору на уни кўтариб юрувчи киши бор. На турк гуломларим бору на гуломлар устидан назорат қилувчи кишига эҳтиёжим бор. Ҳар кеча худди самонхона итлари каби (яъни эгасиз итлар каби) думумни устига бошимни қўйиб ётаман (ҳамма нарсани тарк этганим учун).

Ҳечи мо вею ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч мо гам не.
Жавда дар пушту пушт гўристон,
Гар мирем мо ҳеч мотам не.

Мазмуни: ҳеч нарсамиз йўғу ҳеч нарсадан ғамимиз ҳам йўқ. Ҳеч нарсамиз йўқлиги учун ғамимиз ҳам йўқ. Жадамиз орқамизда — ортда гўристон, гар ўлсак, ҳеч қандай мотам ҳам йўқдур.

Нақл қилишларича, бир кун Шайх Хисрав Ҳазрат Баҳоуддин ҳузурларида ниёзмандлик ила арз қилдики, Ҳаромком суви гоҳ-гоҳ тошиб, Кармана ариги қирғоқларини ювиб, атроф-жавонибни хароб этади. Шу сабаб яна бир ариқ қазини зарурати бор. Халқ кўп ташвиш чекмоқда. Сув тошини хавфи бор. Яна бир ташвиш шуки, атрофда бўри кўнайган. Бундан карманалик йўловчилар кўп азият чекмоқдалар. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин буюридиларки, бундан сўнг Ҳаромком суви тошиб, Кармана аригини бузмайди ва бўридан одамларга зарар етмайди, йўловчилар бемалол бориб келадиган бўладилар.

Ҳазрат тилларидан бу муборак сухан эшитилган замон подшоҳ фармон чиқарибдики, Кармана йўли қўриқлансин, токи йўловчиларга бирор маҳлуқнинг зарари тег-

масин. Ажабки, Ҳаромком суви ҳам тошмайдиган бўлибди.

Ҳазрат Баҳоуддин «Ҳаётнома», «Далелул ошиқин» номли китоблар муаллифидирлар.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчи халифалари Алоуддин Аттор, иккинчи халифалари Хожа Муҳаммад Порсо (1419 йил вафот қилган) ҳисобланадилар. Бу зоти шарифнинг исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Ҳофиз ал Бухорийдур.

Хожа Алоуддин Гиждувоний учинчи халифалари ҳисобланади. Шайх Пирмастий, Хожа Абул Қосим Бухорийлар Баҳоуддиннинг асҳобларидирлар.

Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Алоуддин Аттор ҳикоя қилганларки, ҳазрат Баҳоуддин оламдан кўз юмаётган пайтда «Ёсин» сурасини тиловат қиларди. Суранинг ярмига етганда, нур пайдо бўла бошлади. Ўқини давом эттирдик. Бир оздан сўнг, ҳазрат жон бердилар.

Замонасининг улуғларидан бўлган Мавлоно Муҳаммад Мискиннинг айтишича, Ҳазрат Баҳоуддин сўнги нафасларида муборак қўлларини дуога кўтариб, бир неча дақиқа ўша зайлда тутиб турганлар. Қўлларини тушириб, муборак юзларига суртишлари билан жон берганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин вафотидан бир кун олдин муридларининг ҳаммасини Хожа Муҳаммад Порсога тобеъ бўлишни васият қилган. 1389 йил Баҳоуддин Бухорийи шариф яқинидаги Қасри Орифонда вафот этган. Жуда кўп шоирлар Ҳазрат вафотларига атаб тарих битган, лекин энг машҳури мана будир:

Рафт шоҳи Нақшбандон Хожани дунёву дин,
Он ки буди шоҳи роҳу дину давлат миллаташ.
Маскану маъвои у чун буд Қасри Орифон,
«Қасри ирфон» э-ин сабаб омад ҳисоби реҳлаташ.

Мазмуни: дунё ва диннинг Хожаси шоҳи Нақшбанд вафот қилди, у дину давлатнинг шоҳи эди. Унинг маскану маъвоси Қасри Орифон бўлган. Шу сабаб вафот этиш тарихи «Қасри ирфон» дан чиқади.

«Қасри ирфон» дан абжад ҳисобида 791 (1389) йил ҳосил бўлади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари Абдулазизхон томонидан тартибга солиниб кўркем шаклга киритилган. Бул муборак қадамжони ободонлаштиришда Темурийлардан тортиб мангит амирларигача ўз ҳиссаларини қўшган-

лар. Хонақоҳ Шайбонийлар сулоласига мансуб Ўбайдуллохоннинг ўғли Абдулазизхон (1540—1549 йилларда ҳукмронлик қилган) томонидан 1544—1545 йилда қурилган Мақбара атрофида масжид, ҳовуз, қудуқ, минора, дарвозахона бор. Боҳоуддин мазорларининг кун ботар томонида Дахмаи Шоҳон, яъни шоҳлар дахмаси жойлашган. Бунда кўплаб Бухоро амирлари ва уларнинг авлодаждодлари кўмилган.

Ориф-ар-Ревга
мақба



Ким сени ёр этди, ёр бўлди оқибат.
Ким сени зор этди, зор бўлди оқибат.
Эй Бухоро! Бу не ҳикматдур, ажаб —
Ким сени хор этди, хор бўлди оқибат!

Улуғ пирларимиз зиёратгоҳларини обод этишда ўз ҳиссасини қўшган Бухоро вилояти ҳокимияти, туман ҳокимлари, жамоа хўжалиги раислари, қалби дарё, эътиқодда собит аҳли Бухорога Аллоҳ Таоллодан ажру мукофотлар тилаб дуо қиламиз. Омин ва раббукал оламин!..

Адабий-бадний нашр
Садриддин Салим Бухорий

Муҳаррир Нортўхта Қилич
Расмлар муҳаррири Уйғун Солиҳ
Техн. муҳаррир У. Ким
Мусаҳҳиҳ Моҳира Хўжаева


ИБ № 19

Босмахонага берилди. 9.08.93. Босишга рухсат этилди. 23.08.93. Бичими 84×108/32. Юқори босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма тобоги 0,84. Нашр тобоги 1,0 Шартнома 250 рақамли буюртма. Жами нусха 100.000. Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй

«Турондод» кичик корхонаси, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1 уй.



Хожа
Али Рометаний
мақбараси

Ҳазрат
Фағнавий
мақбараси

Биров билан суҳбатлашгач,
юрагинг баҳра олмай, хижил тортсан,
зинҳор қайта ҳамсуҳбат бўлма, зеро Азизон
руҳи бундайларни кечирмайди

Хожа Али Рометаний